ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 8 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (13.220)

Баҳоси эркин нархда

СУНЬ ЛИЦЗЕ:

“МУСТАҚИЛЛИК – ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎП АСРЛИК ТАРИХИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА ВОҚЕАДИР”

Ўзбек халқининг улуғ байрами — мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами тобора яқинлашмоқда. Ушбу қутлуғ юбилей санаси муносабати билан хорижий давлатларнинг Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия миссияси раҳбарлари “Жаҳон” ахборот агентлиги саволларига бажонидил жавоб қайтармоқдалар.

Бу сафар ***Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе*** *суверен ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.*

— Шу кунларда ўзбек халқи мустақил ҳаётининг 25 йиллик юбилейини тантанали нишонлашга фаол ҳозирлик кўрмоқда. Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистоннинг кўп асрлик шонли тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. У янги демократик давлат ва жамият барпо этишнинг ибтидоси бўлди.

Тарихан қисқа даврда республика барча жабҳада, жумладан, давлат суверенитетини янада мустаҳкамлаш, хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш, режали бошқарувдан бозор иқтисодиётига изчил ўтиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Мен бундай барқарор тараққиётга гувоҳ бўлаётганимдан жуда мамнунман. Республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалмоқда. Ўзбекистон минтақа хавфсизлигининг муҳим кафолати ҳисобланиши халқаро даражада умумэътирофини топган.

Ўзбекистоннинг қудрати ҳамда иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётгани истиқлол йилларида эришилган муваффақиятларнинг яққол тасдиғи ҳисобланади. Кейинги 11 йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ўсишининг суръатлари 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланиб қолмоқда. Ўйлайманки, бу кўрсаткичлар ривожланишнинг “ўзбек модели” нақадар тўғри ва чуқур ўйланганининг яққол тасдиғи ҳисобланадики, у мамлакатнинг ҳар бир аҳолисига ўз Ватани билан ҳақли равишда фахрланиш имконини берди.

Мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан Ўзбекистонда оналик ҳамда болалик муҳофазаси ижтимоий сиёсатнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида белгиланди. 1994 йили давлат раҳбари мустақил Ўзбекистоннинг биринчи давлат мукофоти — “Соғлом авлод учун” орденини топшириш маросимида соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш эканлигини қайд этган эди. Бу фикрдаги чуқур маъно оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни маънан ҳамда жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга қаратилган ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2016 йил 5 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилаётган Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига Олий Мажлис Сенатининг ўтган даврдаги фаолияти якунларига ва келгуси йилдаги устувор вазифаларга бағишланган маърузанинг киритилиши муҳим эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган вазифаларни бажаришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқилади. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) ва бошқа қонунлар ана шулар жумласидандир.

Мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ:

ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ санаси Чилонзор туманида ҳам кўтаринки кайфиятда, катта тантаналар билан кутиб олинмоқда. Туман ҳудудларига қилган бир кунлик сафаримиз давомида Чилонзор тумани пойтахтимизнинг энг кўркам ва мафтункор гўшаларидан бири эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Истиқлол шарофати билан бунёд этилган кенг ва равон кўчалар, маҳобатли, мафтункор иншоотлар, янгитдан бунёд этилган маҳалла гузарлари, капитал таъмирдан чиққан ўқув муассасалари, тиббиёт масканлари кўзни қувонтиради. Ҳар бир масканда осойишталик ҳукмрон, байрам шукуҳи эса барчанинг юзида, кўзида акс этиб тургандай таассурот қолдиради. Бу бахтиёрлик, фаровонлик ва тинчлик мустақиллик берган энг юксак туҳфадир.

Чилонзор тумани пойтахтимизнинг Яккасарой, Сергели, Учтепа, Шайхонтоҳур ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманлари билан чегарадош. Аҳоли сони турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб 233,4 минг кишини ташкил этади. Туман ҳудудида 51 та маҳалла, 32 та мактаб, 55 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та олий таълим муассасаси, 4 та шифохона, 8 та поликлиника, 12 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей, 127 та спорт заллари, 2 та маданият ва истироҳат боғи, 6 та маданият уйи, 2 та театр, 1 та музей ҳамда битта санъат саройи аҳолига ижтимоий, маданий, маърифий, тиббий соҳаларда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Туманда жойлашган санъат саройи, театр, музей, маданият ва истироҳат боғлари, туман аҳолиси ва ёшларининг маданий дам олишларини таъминлаб берса, бадиий гимнастика заллари, сузиш ҳавзалари ва мини футбол майдончалари уларнинг спорт соҳасида шуғулланишлари ва ўз саломатликларини мустаҳкамлаб боришларида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ҳар бир соҳадаги эришилаётган ютуқларда Чилонзор туманининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Жумладан, 2016 йилнинг ярим йиллигида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 14,5, капитал қуйилмалар 11,7, пудрат ишлари 9,9, чакана савдо айланмаси 18,2, ташқи савдо айланмаси 79,5 фоизга, пуллик хизматлар ўтган йилга нисбатан 15,3 фоизга бажарилди.

Туманда 1150 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 396 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг олти ойи давомида туман ҳудудида 26 та болалар ўйингоҳи барпо этилиб, 164 та болалар майдончаси таъмирланди. 254 та кўп қаватли уйларга кодли қулф ўрнатилди, 563 та кириш йўлаклари қайта таъмирланди.

Туман ҳаёти билан танишар эканмиз ҳар бир жабҳада пешқадамликни, изланиш, интилиш, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг самарасини кўришга мушаррраф бўлдик. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишда ҳар бир фуқаро шижоат билан меҳнат қилмоқда. Зеро, чилонзорликлар қалбидаги жўшқинлик, фидойилик, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳисси уларнинг самимий чеҳраларида акс этмоқда. Биз шундай қутлуғ кунлар арафасида туман аҳлига бирдамлик ва танисҳатликни тилаб қоламиз.

(Чилонзор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● “Жиззах пластмасса” акциядорлик жамиятида амалга оширилган лойиҳалар туфайли икки турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 37 янги иш ўрни яратилди. Корхонада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат дастурига мувофиқ 3 миллиард 666 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Бу жараёнда янги технологиялар ўрнатилиши ҳисобидан ишлаб чиқариш қуввати қарийб икки баробар оширилди.

● Юқори Чирчиқ туманидаги “Бардонкўл” ва “Дўстлик” қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда фоднинг Тошкент вилояти ҳудудий филиали кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида “Гўзал ва бетакрормисан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган тадбирда Шимоли-ғарбий ҳарбий округи тасарруфидаги ҳарбий қисмларнинг офицер ва сержантлари, уларнинг оила аъзолари, аскарлар, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Сирдарё вилоятидаги Бахт шаҳрида тиббиёт бинти, момиқ пахта ва ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Baxttexfarm” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Йилига 60 миллион погон метр турли боғлов маҳсулотлари, 3 минг тоннадан ортиқ момиқ пахта ва 2,6 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 500 иш ўрни яратилди. Ходимларнинг 90 фоизи касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

ЖАҲОНДА

● Македонияда кучли жала қуйиши натижасида сув тошқинлари рўй бериб, 20 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Яна шунча одам бедарак йўқолди. Аҳвол айниқса мамлакат пойтахти Скопье шаҳрида оғир.

● Гонконгда илк бор Pokemon GO бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда 600 га яқин киши қатнашиб, ўз имкониятларини синаб кўрди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Хабар қилинганидек, 2016 йилнинг 5 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

Мажлис “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси билан бошланди. Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

“Соғлом она ва бола” йили Давлат дастурида ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, ушбу соҳада қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини беришини таъкидлади.

Шундан кейин депутатлар эътиборига “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тақдим этилди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ички ишлар органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш, шу мақсадда алоҳида қонун қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, мутасадди идоралар томонидан экспертларни ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида атрофлича муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда)

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТИ

Ниҳоят, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида орзиқиб кутилган улкан спорт байрами – XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ҳам бошланди.

Энг нуфузли мусобақаларда спортнинг ўн олти тури бўйича етмиш нафар юртдошларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Шундай қилиб, дзюдочиларимиз Олимпиадада дастлабки медалларни қўлга киритиб, мухлисларимизни шод этишди. Жумладан, 60 килограммгача вазнда Диёрбек Ўрозбоев Австралия, Швейцария, Бразилия ва Грузия терма жамоаси курашчиларини енгиб, бронза медалини қўлга киритди.

66 килограммгача вазнда эса энг тажрибали дзюдочимиз Ришод Собиров ҳам ана шу натижани такрорлаб, яна битта бронза нишонининг соҳиби бўлди.

Биз нуфузли мусобақаларда бошқа спортчиларимизга ҳам омад тилаб қоламиз.

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ:

ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР











Сафаримиз давомида туман ҳудудида фаолият олиб бораётган "ECLAIR cosmetic" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига ташриф буюрдик. Бизга ҳамроҳлик қилган Чилонзор туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси Улуғбек Пармонбеков мазкур корхонанинг фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг йигирмадан ортиқ тури, бугунги кунда эришаётган ютуқлари хусусида қисқача изоҳ бериб таништириб борди.

Иқтисодиёт

ЮҚОРИ СИФАТ – САМАРАДОРЛИК АСОСИ

Бугунги давр талабига жавоб берадиган сифатли ва қулай маҳсулотларни аҳолига етказиб бериб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига имкон қадар ўз ҳиссасини қўшаётган "ECLAIR cosmetic" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида хотин-қизлар учун соч бўёқлари, шампунь ва бальзамлар ишлаб чиқарилмоқда.

– Корхонамиз 2011 йилда ташкил топганига қарамай юртимиз ва жуда кўплаб чет мамлакатларда ўзига хос нуфузга эга бўлиб бормоқда, – дейди "ECLAIR cosmetic" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси директори Баҳром Шерғозиев. – Маҳсулотларимиз Россия, Ҳиндистон, Грузия, Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистон, Покистон каби жуда кўплаб чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб туҳфа сифатида, яна бир янги соч бўёғини яқин кунларда сотувга чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Бу янги бўёқ сочларга ранг беribгина қолмай, уларнинг толасини мустаҳкамлашни ҳам таъминлайди. Мутлақо зарарсиз, аммиакдан холи бу соч бўёғи барчага бирдай манзур бўлишига ишонамиз...

Дарҳақиқат, қулайлиги, ўзининг сифат даражаси, нархининг муқобиллиги билан бошқа давлатларда юқори нуфузга эга бўлаётган ушбу маҳсулотлар нафақат корхонанинг, балки юртимизнинг ҳам катта ютуғи ҳисобланади.

Яхши ният ва интилиш истиқболли келажакка ишора, умид қиламизки яқин келажакда "ECLAIR cosmetic" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати билан жаҳон бозорида янада катта нуфузга эга бўлиб Ўзбекистон номини улуғлайверади.

Маҳалла

ЯНГИ ГУЗАР БАРПО ЭТИЛДИ

Тумандаги "3-Чарх-Камолон" маҳалласида бўлганимизда янгитдан қурилган маҳалла гузарини кўриб, қалбимизда фахр ва ифтихор туйғулари мавжланди. Бу кўркам маскан шарқона янги усулда бунёд этилган. Айниқса, эшик ромларидаги замонавийлик ва миллийлик акс этган нақшинкор безаклар мусаввир хаёлотидаги гўзал туйғуларни мужассамлаштириб олгандай таассурот қолдиради, кишида.

– Маҳалламизда бугунги кунда 4472 минг аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалланинг энг фаол бош маслаҳатчиси Шоҳида Зуфарова биз билан суҳбатда. – Янги қурилган бу иншоот маҳалла аҳли ва ҳомийлар кўмагида барпо этилди, десам муболаға бўлмайди. Гузарнинг қад ростлашида маҳалламизнинг ҳар бир аъзосининг ўзига хос ўрни ва кўмаги бор. Ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик бор жойда қут-барака, файз ва тароват бўлади. Биздан кейинги келажак авлод ҳам бу гузарни биродарлик, бирлик, меҳр-оқибат натижасида бунёд этилган бир муқаддас гўша, деб билишини истаймиз. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб кутиб олиш учун маҳалла аҳли ҳамкорлигида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларини изчиллик билан олиб бордик. Истиқлол бизга эркинликни инъом этди. Имкониятлар эшиги очиб берилди, бу эса мамлакатимиз эртасининг порлоқ келажагидан далолат беради. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз бахтли ва саодатли бўлишса бу, бизнинг хотиржамлигимиз ва бахтимиздир.

Дарҳақиқат, янги, замонавий гузарда маҳаллани осойишталикка, меҳру муҳаббатга, қадриятларимизни қадрлашга чорловчи давра суҳбатлари ва учрашувлар маҳалланинг кекса отахон ва онахонлари ва турли соҳа мутасаддилари иштирокида мунтазам равишда уюштириб борилади. Бу эса, ёшларнинг маънавиятини юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Янги қад ростлаган гузар маҳалла осойишталигини узвий боғловчи, анъаналаримизни улуғловчи, ёшларни комилликка чорловчи муқаддас даргоҳ бўлиб аҳолига жуда кўп йиллар хизмат қилади.

Соғлом бола – аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Шу маънода, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, баркамол ва ҳар томонлама етук болаларни дунёга келтиришда туғруқ комплексларининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти каттадир.

Тиббиёт

СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЮРТ ЭРТАСИ

Шаҳар 7-сонли туғруқ комплексида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. 63 нафар шифокорлар, 234 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият олиб бораётган мазкур шифохонада, ҳомиладор аёллар ҳафталиги, гинекология, туғруқ бўлими, туғруқдан кейинги бўлим, болалар бўлими, болалар реанимацияси, катталар реанимацияси каби бўлимларда оналар ва болалар саломатлиги учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шаҳло Тошхўжаева, Раъно Зоирова, Дилфуза Орипова, Ҳилола Тоҳирова каби кўплаб малакали шифокорлар туғруқ жараёнининг муваффақиятли ва самарали ўтишида, она ва бола соғлигини мустаҳкамлашда ўз касбига масъулият билан ёндашиб фаолият олиб бормоқда.

Шифохона 130 ўринга мўлжалланган бўлиб Чилонзор туман аҳолисига хизмат кўрсатади. Мазкур тиббиёт муассасасида 2015 йилда 4164 нафар чақалоқлар дунёга келган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 2149 нафар болажонлар туғилди.

– Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар тиббиёт масканларининг моддий-техник базасини кенгайтириш, жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқларини ўзлаштиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди шаҳар 7-сонли туғруқ комплекси бош шифокори Зафаржон Илҳомов. – Тиббиёт муассасамиз замон талаблари даражасидаги шифохона ҳисобланиб, энг янги тиббий технологиялар билан жиҳозланган. Чақалоқларнинг соғлом туғилишини таъминлаш, она ва болани ўз оиласи даврасига саломат қайтариш барча тиббиёт ходимларининг ягона мақсадидир. Зеро, мамлакатимизда болалар соғлигини яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза-лашдан муҳимроқ ишнинг ўзи йўқ. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлоднинг саломатлиги ҳар нарсадан устундир.

Ҳа, аслида бу кўҳна оламда эндигина дунёга келган чақалоқ йиғисидан-да ёқимлироқ овознинг ўзи йўқ. Бу жажжи вужудлар оламни ва одамни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган тирикликнинг энг хушбўй ифорлари ҳисобланади, оламда фарзанддан-да беназир неъмат йўқдир. Ҳар бир дунёга келаётган чақалоқнинг қадамлари улуғ ва қутлуғ келсин, улар келажакда Ўзбекистон деб аталмиш бахтли диёрнинг бахтиёр фарзандлари бўлиб камолга етсин.

Мактабгача таълим муассасаларида

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ БЕКАТИ

Болажонларнинг таълим-тарбиясида мактабгача таълим муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Тумандаги 246-сонли "Чарос" номли махсус мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Мазкур муассаса 3-7 ёшгача бўлган болажонларга таълим-тарбия бериш, соғломлаштириш масалалари билан шуғулланади ва мактабларга йўналтиради.

1996 йилда ташкил топган, 100 ўринга мўлжалланган ушбу муассасада бугунги кунда 112 нафар бола тарбияланиб келинмоқда. Таълим жараёнлари 4 йилга мўлжалланган бўлиб, шу давр мобайнида тарбияланувчилар махсус дастур асосида иш олиб боради.

Муассасанинг барча ходимлари тарбиячилар, руҳшунос, мусиқа раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчиси, шифокор ва ҳамшира ҳамкорлигида болажонларнинг соғлигини янада яхшилаш мақсадида фаолият олиб боради. Зеро болалар ҳаётимизнинг гултожи, умримизнинг энг беғубор ва беозор гулғунчаларидир.

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириб бориш, таълим-тарбия жараёнидаги янги педагогик технологияларни жорий этиш мазкур муассаса ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу изланишларнинг асосида доимо янгиликлардан хабардор бўлиш, ўқиш, ўрганиш, ўз устида тинмай изланиш ва катта ижодий меҳнат ётади. "Устоз-шогирд" анъанаси ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар, ёш кадрларга ўз билим-тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар. Улар ёш тарбиячилар билан теварак-атрофни таништириш, нутқ ўстириш, оддий математик тасаввурларни шакллантириш, ўйин ўргатиш, қўл меҳнати, жисмоний тарбия машғулотларини олиб боришади.

Махсус мактабгача таълим муассасасига ташрифимиз доирасида болажонларнинг шўх ва қувноқ чеҳралари, ёлқиндай порлаб турган кўзларидаги бахтиёрлик шуълаларини кўришга мушарраф бўлдик. Болажонларимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларга етарлича эътибор қаратиб таълим-тарбияга ўргатишда ушбу муассасанинг, алоҳида ўрни бор.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

СУНЬ ЛИЦЗЕ:

"МУСТАҚИЛЛИК – ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎП АСРЛИК ТАРИХИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА ВОҚЕАДИР"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўйлайманки, 2016 йил республикада "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани халқингизнинг ижтимоий-ахлоқий ҳамда оилавий қадриятларида ўз аксини топмоқда. Шуниси қувонарлики, қабул қилинган Давлат дастури доирасида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш қадрият ҳамда олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплекси амалиётга татбиқ этилаётир.

Бундан ташқари, оила институти муҳофазасини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органларининг жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаяпти.

Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданияти ва урф-одатлари бор. Мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳукм суришининг калити одамларнинг ўзаро тинч-тотув яшаши, бир-бирини тўғри тушуниши, жамиятда барчанинг бирдамлиги ҳамда ўзаро мулоқотнинг мавжудлигидадир.

Ўзбекистонда миллатлараро дўстона муносабатлар ва толерантликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устуворликларидан бири ҳисобланади. Республиканинг барча фуқароси миллий мансублигидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эга эканлиги мамлакат Конституциясида кафолатлангани юксак баҳога лойиқ.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йили Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида истиқомат қиладиган турли миллат ҳамда элатлар вакилларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш унинг асосий вазифасига киради. Мазкур ташкилотда ишлар яхши йўлга қўйилгани туфайли миллий маданий марказлар фаол ривожланмоқда. Ўзбекистондаги миллий маданий марказларнинг сони қарийб 140 тани ташкил қилади, уларнинг 14 таси республика аҳамиятидаги марказ мақомига эга.

Зарур шароитлар яратилгани боис турли миллат ва элатларнинг таниқли намояндалари мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда бошқа соҳалари тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, республиканинг барча фуқароси бундан кейин ҳам ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб, кўп миллатли ягона давлатининг гуллаб-яшнаши йўлида елкама-елка меҳнат қилишади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро ишларда фаол иштирок этгани ҳолда, дунёдаги жараёнларга мослашувнинг мақбул йўлини танлади. Жумладан, республика Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ўзбекистон бошқа мамлакатлар билан самарали ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириб, минтақада барқарорлик сақланишига муҳим ҳисса қўшаётир.

Ўзбекистон олиб бораётган ташқи сиёсат ўзининг ҳаётий ҳамда истиқболли эканлигини тасдиқлади. Эришилган муваффақиятларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилгани мамлакат халқаро майдонда муносиб ўринни эгаллашидан далолат беради.

1992 йили дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан сўнг Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик даражаси турли соҳаларда изчил юксалиб бордики, бу халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстликни янгича мазмун билан бойитди.

1996 йилнинг июль ойида ҳар икки давлат тенглик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлашга қарор қилди. 2005 йил май ойида Пекин ва Тошкент ҳар томонлама, шунингдек, узоқ муддатли ҳамкорлик ҳамда шерикликни ривожлантиришга аҳдлашди. 2012 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Кейинги йилларда мунтазам равишдаги олий ва юқори даражадаги ташриф алмашувлари йўлга қўйилди. Жорий йилнинг июнида Тошкентда икки томонлама алоқалар ривожланишидаги янги босқич ўз тасдиғини топди. ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтаришга қарор қилдилар. Бу қарор турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Ҳар икки томон янада равнақ топиш ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлидаги келишувларни амалга ошириш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни ҳаётга татбиқ этишга тайёрдир.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонликларни тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан чин дилимдан табриклашга ижозат бергайсиз. Давлатчиликни мустаҳкамлашда, барқарор тараққиёт, ялпи гуллаб-яшнаш ва фаровонлик таъминланишида янада катта муваффақиятлар тилайман!

"Жаҳон" АА.

ОБОДЛИКДАН ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Мустақиллик арафасида азим пойтахтимиз янада чирой очиб, обод бўлмоқда. Буни унинг кўчаларида, маҳаллаларида, гузарларида, боғ ва хиёбонларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари орқали кузатиш мумкин. Газетамизнинг ўтган сонларида Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида шаҳримиз туманларида олиб борилаётган ишлар билан газетхонларимизни таништирган эдик, бугун ҳам ушбу мавзуни давом эттирамиз.









Жорий йилда **Миробод туманида** Меҳржон, 8 март, Сарикўл кўчаларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди, трамвай излари олиб ташланиб, йўллар текисланди. Бугун бу равон кўчалардан юрган одамнинг дили яйрайди.

Ҳозирда, Миробод туманида жами 39 та маҳалла, 36 та асосий, 270 дан ортиқ ички кўчалар жойлашган. Байрам арафасида 4 сектор бўйича 18 та округда таъмирланиши керак бўлган кўчалар белгилаб олинди.

Нукус, Ойбек шоҳ кўчалари атрофидаги уйларнинг фасадлари бўялди, Афросиёб, Шаҳрисабз кўчаларида қизғин ишлар олиб борилди. "Истиқлолобод" маҳалласида янги болалар ўйингоҳи ишга туширилди. Маҳалладаги 4 А уй яқинда фойдаланишга топширилди.

Шу чоққача туманда 34 дан ортиқ кўчалар обод қилинди, 12 та болалар ўйингоҳи қуриб битказилди.

Яккасарой туманида 17 та маҳалла, 11 та асосий кўча, 207 дан ортиқ ички кўчалар мавжуд. Ҳозирда Муқимий кўчаси билан Шота Руставели кўчаси кесишмасида улкан кўприк қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти.

Тадбиркорлар ташаббуси билан "Вега центр" савдо мажмуаси яқинида ишга туширилди. Бу ерда аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилди, автотураргоҳ барпо этилди.

Қушбеги кўчасида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборимизни тортди.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида маҳалламиз аҳолиси билан ҳамжиҳатликда ободонлаштириш ишларига эътиборни кучайтирдик, — дейди "Қушбеги" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умир Ҳакимов, — Қушбеги кўчасининг узунлиги 210 метр бўлиб, бу ерда ободонлаштириш ишлари тўлиқ бажарилди.

Яккасарой туманида жами 83 минг 811 метр узунликдаги кўчаларнинг тартибига келтирилиши, 3600 та якка тартибдаги хонадон, 385 та кўп қаватли турар жой, 895 та нотурар жой биноларининг таъмирланиши белгилаб олинган бўлиб, ҳозирда бу ишлар қизғин паллага кирган.

Янги Сергели кўчаси орқали **Сергели туманига** кириб борамиз. Кўчада бир қатор ободонлаштириш ишлари амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Сергели туманида 39 та маҳалла, 24 та асосий ва 210 дан ортиқ ички кўчалар мавжуд. Туман 4 сектор, 25 та округга бўлинган, ҳар бир сектордан 25 тадан кўчани тартибга келтириш белгилаб олинган. Тумандаги ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида кўча ва маҳаллаларини айланамиз. Софдил ички кўчасида дарахтлар оқланган, уйларга пешлавҳалар ўрнатилган, аҳолининг яйраб дам олиши учун яқинда "Гринпарк" ишга тушди.

Шу давргача, Сергели тумани бўйича 53 дан ортиқ кўчаларда ободонлаштириш ишлари якунланди, 19 та болалар ўйингоҳи янгидан қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, мавжуд 187 таси таъмирланди.

Яшнобод туманидамиз. Бугунги кунда туман ҳудудида жойлашган темир йўл кесишмаларида автотранспортлар ҳаракати сифатини ошириш, темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигига халал берувчи камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳудуд бўйлаб ўтган 5 та кўчада демонтаж қилинган трамвай йўлларининг ўрни жами 84 минг 500 кв. метрни ташкил қилади. Шундан 35 минг 500 кв. метр майдонга асфальт ётқизиш ҳамда 49 минг кв. метр майдонда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Оҳангарон кўчасида 29 минг 400 кв. метр, Фарғона йўли кўчасида 19 минг 600 кв. метр майдонни кўкаламзорлаштириш, Қорасув кўчасида 16 минг 800 кв. метр, Алимкент кўчасида 8 минг 800 кв. метр, Кичик ҳалқа йўли кўчасида 9 минг 900 кв. метр майдонда асфальтлаш ишлари бошлаб юборилди.

Туман бўйича ҳар бир сектордан танлаб олинган 25 тадан жами 100 та кўча бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Яшнобод туманида 57 та маҳалла бўлиб, 4 сектор, 21 та округ бўйича ишлар белгилаб олинган. Асосан, Фарғона йўли кўчасида катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мирзо Улуғбек ва Тараққиёт кўчаларида янги йўл қурилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар 100 та кўчадан 38 таси таъмирдан чиқарилди, 18 та болалар майдончаси қуриб битказилди. "Яшнобод" ва "Наврўз" маҳаллаларига кириш кўчалари 2 қатор қилиб бетонлаштирилди. Уйсозлар кўчасидан Қурувчилар кўчасига қараб буриламиз.

— Кўчамизнинг узунлиги 1,8 км. ни ташкил этади, — дейди "Ўрта масжид" МФЙ раиси Азиза Пидаева, — унда жами 44 та объект жойлашган. Ҳозирда кўп қаватли уйларнинг фасадлари бўялди, кўчалар атрофлари тартибга келтирилди. Булардан аҳоли хурсанд бўлмоқда.

Айтиш жоизки, шу давргача Яшнобод туманида 30 та кўча кўркам қилиниб, 18 та болалар ўйингоҳи фойдаланишга топширилди.

Бектемир туманидан асосан 12 та маҳалла, 7 та асосий кўча, 28 та ички кўчалар ўрин олган. Туман 4 сектор ва 12 округга бўлинган. Мутасаддилар кейинги пайтда 4,5 километрли Ҳусайн Бойқаро кўчаси мукаммал таъмирланганини маълум қилишди. 4 йўналишли йўл атрофида кўплаб саноат корхоналари ва ижтимоий объектлар жойлашган.

"Бахт кўли" барча туманлар тадбиркорлари ҳиссаси билан ободонлаштирилганди. Айни дамда у аҳолининг севимли дам олиш масканига айланди.

Бектемир туманида шу кунгача 26 та кўча кўркам тус олиб, 6 та болалар ўйингоҳи қад ростлаб ёзги мавсумда болажонларнинг яйраб-яшнаб дам олишларига имкон яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, агарда шаҳримиздаги 11 та туманда 100 тадан кўча ободонлашса, мингдан ортиқ кўча тартибга келтирилади, кўплаб янги, замонавий болалар ўйин майдончалари барпо этилади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Барчамиз Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма беш йиллигини ҳамжиҳатлик билан ўз корхона, муассаса, маҳалла ва кўчамизни янада обод ва кўркам этган ҳолда муносиб кутиб олайлик.

З.ШАРИФЖОНОВ
К.Ўлмасов олган суратлар













ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг асосий вазифа, фаолияти йўналишлари ва принциплари ҳамда уларнинг ваколат ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу идораларда хизмат ўташ тартиби ва шартлари, ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси яхлит ҳужжатда мужассам этилаётганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини муҳокама қилишда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этди ва ўз муносабатларини билдирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини маъқуллаган ҳолда, унда ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ташкил этиш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, мазкур йўналишда дастурлар ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган нормаларга алоҳида эътиборни қаратди.

Фракция аъзоларининг фикрича, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ишларини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки унда ички ишлар органлари ҳуқуқий мақоми яхлит қонун даражасида тартибга солиниб, уларнинг ташкилий тузилмалари, вазифалари ва фаолият тамойиллари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат ва жамиятдаги ўрни ва роли аниқ белгилаб берилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари алоҳида белгиланиб, уларнинг ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилганлигини, ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақоми ва улар фаолиятининг давлат кафолатлари таъминланганлигини алоҳида эътироф этди.

Фракция аъзолари мустақиллик йилларида ички ишлар идоралари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга яхлит тизим сифатида шаклланганини қайд этди. Маҳалла, қишлоқ ва овулларда фуқаролар хавфсизлиги, жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга, бу ишларга "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси жалб этилишига оид янги нормаларни қўллаб-қувватлади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши юртимизда тинч ва осуда ҳаётни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, мол-мулкини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг янада самарали бўлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларнинг, жумладан, ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим бериш сифатини ошириш, уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида мустаҳкамланаётганлиги партия сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишларга ҳамоҳанг эканини таъкидлаб ўтди.

